ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 30 АВГУСТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 178 – 179 (13.241–13.242)

Баҳоси эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
25
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Жорий йилнинг 5-21 август кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз 4 олтин, 2 кумуш ва 7 бронза медални қўлга киритди.

ОЛИМПИАДА ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 23 августдаги фармойишига мувофиқ Олимпия ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги “Олимпия шон-шуҳрати” музейида 29 август куни Олимпиада ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимизнинг эркин ва озод, тинч-осойишта, фаровон ва бахтли ҳаёт кечириши, фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Халқимиз энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонланаётган шу кунларда ҳар биримизнинг дилимизда истиқлол берган буюк неъматларга шукроналик туйғулари жўш урмоқда.

Ватан – муқаддас, унинг халқаро майдонда обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш энг олий бахтдир. Ўзбекистон спортчилари XXXI ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, бутун дунёга мардлик ва жасорат бобида улуғ зотларнинг муносиб ворислари эканини исботлади, халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлади, эркин ва обод Ватанимизнинг энг улуғ, энг азиз байрамига муносиб туҳфа ҳозирлади.

Ўзбек бокс мактаби вакиллари мазкур Олимпиадада мамлакатимиз спортчилари шижоат ва маҳоратда, куч ва салоҳиятда тенгсиз эканини намоён қилди. Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига Олимпия ўйинларининг дастлабки олтин медалини бокс бўйича вазни 49 килограммгача бўлган спортчилар беллашувида қатнашган Ҳасанбой Дўстматов келтирди. Ҳасанбой энг ёрқин жангларни олиб боргани учун Олимпия ўйинларининг энг яхши боксчиси сифатида Вэл Баркер кубоги билан тақдирланди.

– Бизни қўллаб-қувватлаб, ишонч билдирган халқимиз ва Президентимизга миннатдорлик билдирамиз, – дейди Ҳасанбой Дўстматов. – Бу ишонч бизни ғалаба сари руҳлантирди, кучимизга куч қўшди. Олимпия ўйинларида қўлга киритган олтин медалимни энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлайман.

Фазлиддин Ғойибназаров вазни 64 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида, Шаҳобиддин Зоиров вазни 52 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги беллашувларда барча рақибларини енгиб, Олимпиада чемпиони бўлди.

– Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритаман, деб ният қилган эдим, – дейди Шаҳобиддин Зоиров. – Ниятимга етганимдан, нуфузли мусобақада Ватанимиз байроғини баланд кўтариш насиб қилганидан жуда бахтиёрман. Бундай улкан ютуқларимиз Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Ўз вазн тоифасида Бектемир Меликўзиев ва Шаҳрам Ғиёсов кумуш, Рустам Тўлаганов ва Муроджон Аҳмадалиев бронза медаль билан тақдирланди.



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар

XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг энг муҳим воқеаларидан бири оғир атлетика баҳсларида рўй берди. Тажрибали оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов нуфузли мусобақада олтин медални қўлга киритиш билан бирга Олимпиада рекордини янгилаб, Ўзбекистон ёшлари нималарга қодир эканини бутун дунёга яна бир карра намоён қилди.

– Менинг ғалабам – бутун Ўзбекистоннинг ғалабасидир. Биз, ёшлар, озод ва обод юртда туғилиб вояга етганимиздан ва халқаро майдонда Ўзбекистон номидан мусобақага чиқаётганимиздан фахрланамиз, – деди Руслан Нурудинов. – Президентимиз ёшларга қарата маррани доимо баланд олинг, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайди, деган сўзлари қалбимизга муҳрланган. Президентимизнинг ушбу даъватлари бизни янги-янги марралар сари чорлайди.

(Давоми 2-бетда)



ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Мамлакатимизнинг истиқлол йилларидаги изчил тараққиёти улкан бунёдкорлик ишларига замин яратди. Янги саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт саройлари, йўл ва кўприклар, замонавий уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Мустақиллик иншоотлари деган ибора пайдо бўлди. Уларнинг кўплиги ва гўзаллигидан шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Нукус, Урганч, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Андижон, Фарғона, Наманган ва бошқа шаҳарларимиз бош режа асосида қайта қурилмоқда.

Мамлакатимиз ривожини ёрқин акс эттирган Тошкент шаҳрида ҳам улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Пойтахтимиз ўзининг тарихий хусусиятларини сақлаган ҳолда замонавий қиёфа касб этмоқда. Янги-янги иншоотлар, турар жойлар, меҳмонхоналар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хиёбонлар шаҳар аҳли ва меҳмонларга қулай шароит яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. 2013 йили Хадра майдонида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2014 йили Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида янги йўллар қурилди. 2015 йилнинг май ойида Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳада янги замонавий кўприк очилди.

(Давоми 2-бетда)

ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимизнинг жорий йил 1 июлдаги Фармонига мувофиқ, Ватанимиз Истиқлолининг 25 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ҳамда тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ҳамда санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ҳамда истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони таъсис этилган эди. Айни кунларда жойларда ушбу мукофотлар ўз эгаларига топширилмоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган илғор ходимлардан бир гуруҳини “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишонлари билан тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда пойтахт фаолларига эсдалик нишонлари Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов томонидан тантанали равишда топширилди.

– Бугун берилган мукофот нафақат менга, балки тармоқда меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизга Президентимиз томонидан билдирилган юксак ишонч ва эътибор намунасидир, – деди “Соғлом авлод учун” жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани раҳбари Маҳбуба Маҳкамбоева. – Ушбу мукофот бизни янада самарали фаолият юритишга рағбатлантиради.

– Мустақиллик йилларида юртимизда маҳалла тизимини шакллантиришга катта эътибор берилмоқда, – дейди Олмазор туманидаги “Янги Тошкент” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамид Мусаев. – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги эсдалик нишони билан тақдирланишимиз бизни келгусидаги фаолиятимизда масъулиятимизни бундан-да оширишга илҳомлантиради.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги жаҳарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах вилояти хотин-қизлар қўмитасининг энг улуғ, энг азиз байрамимизга бағишлаб амалга оширган “25 йилга 25 нафар тадбиркор қиз” лойиҳаси бўйича ўқув марказларида ҳунар ўрганган қизларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

● Ангрен шаҳрида салбий экологик оқибатларнинг олдини олишда давлат экологик экспертизасини ўтказиш самаралари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, экологлар, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этди.

● Навоийда “Тадбиркор қизларнинг энг яхши лойиҳаси” танловининг вилоят босқичи ўтказилди. “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк вилоят бош бошқармаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармалари ҳамда “Тадбиркор аёл” уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда уч йўналиш бўйича 25 тадбиркор қиз иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Италиянинг жуда кучли зилзила рўй берган Матрича қишлоғида яна уч кишининг танаси топилганидан сўнг, ер қимирлаши қурбонларининг сони 292 кишига етди, яна 10 киши бедарак йўқолган. Шу муносабат билан бугун Италияда умуммиллий мотам куни эълон қилинди.

● Бельгиядаги спорт марказининг омборида рўй берган портлаш натижасида бир киши ҳалок бўлди, битта одам жароҳатланди.

● Непалда ҳайдовчи бошқарувини йўқотган автобуснинг дарёга қулаб тушиши натижасида камида 20 киши жабрланди.

● АҚШнинг Луизиана штатида янги Орлеан шаҳри атрофида йирик йўл транспорт ҳодисаси содир бўлди. Катта тезликда ҳаракатланаётган йўловчи автобуснинг ўт ўчирувчи автомашинага урилиб кетиши натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди, автобуснинг камида 41 нафар йўловчиси турли даражадаги тан жароҳатини олди.

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ





Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Нурафшон кўчасининг қурилиши аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни замонавий масканга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очди. Ҳар томони 4 тасмали бу йўл транспортлар ҳаракатини енгиллаштирди. Кўча билан параллел равишда коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси қурилди.

Президентимизнинг 2014 йил 20 ноябрдаги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий турар жойлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан бу ерда кўп қаватли уйлар бунёд этилмоқда. Жорий йилда 386 хонадондан иборат 20 замонавий уй-жой қуриб битказилди.

Инсон манфаатларини таъминлаш, одамларга барча қулайлик яратишга қаратилаётган эътибор ҳар қадамда кўзга ташланади. Биноларни лойиҳалаштиришда иқлим шароитлари, санитария ва хавфсизлик талаблари, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига оид барча жиҳатлар ҳисобга олинган. Уларни қуриш ва безатишда замонавий технология ва материаллардан фойдаланилган.

Бинонинг деворлари уй ичидаги иссиқликни сақлайдиган қилиб қурилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизимлари ўрнатилган. Бу хона ҳароратини мустақил бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради.

Йўл бўйидаги уйлар бир қаторга эмас, балки кўчадан ҳар хил узоқликда қурилган ва оралиқ масофалари кенг олинган. Бу мавзеда шамол айланишини таъминлайди.

Турар жойлар орасида майсазорлар барпо этилган. Манзарали дарахтлар, райҳонлар экилган. Болалар учун ўйин қурилмалари ўрнатилган. Фаввора ва гулзорлар ташкил этилган.

– Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги биз учун қўшалоқ байрам бўлди, – дейди ЎзА мухбирига ушбу уй соҳибаларидан бири Нигора Ҳасанова. – Яқинда уч хонали уйга кўчиб ўтдик. Бу ерда барча шарт-шароит яратилган. Хоналар кенг, ёруғ, баҳаво. Ҳовлида оилавий сайр қиламиз, болаларимиз маза қилиб ўйнайди.

Мамлакатимизда ҳаёт сифати, аҳоли даромадлари ошиб бораётгани натижасида автомобиллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шунга мувофиқ йўл-коммуникация тармоқлари изчил ривожлантирилмоқда. Барча ҳудудларда янги йўллар қурилмоқда, мавжудлари кенгайтирилмоқда. Пойтахтимизда шаҳарнинг келгуси ривожи ҳам ҳисобга олинган ҳолда кенг ва равон йўллар, кўприклар бунёд этилмоқда.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилди. Нурафшон кўчаси Оқтепа майдонигача 4 километр узайтирилди ва Муқимий кўчасига уланди. Муқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида замонавий кўприк барпо этилди. Ушбу чорраҳадан бошланган берк кўчанинг иккинчи томони Бобур кўчасига уланди. Шу тариқа пойтахтимизда яна бир айланма йўл барпо этилди.

Муқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида илгари соатига меъёрдаги 6 минг ўрнига 11 минг 500 автомобиль, яъни қарийб икки баробар кўп транспорт ҳаракатланар эди. Оқибатда тирбандлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқилғи сарфи ошиб, атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда эни 19 метр, узунлиги қарийб 1 километр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Муқимий кўчасининг ҳар бир йўналиши беш тасмали қилиб кенгайтирилди.

Янги кўприкнинг қурилиши нафақат ушбу чорраҳадаги тирбандликни бартараф этади, балки Бунёдкор, Чилонзор, Чўпонота, Қушбеги, Бобур кўчаларидаги қатновга ҳам ижобий таъсир қилади.

Ушбу иншоот "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Кўприккурилиш" трести томонидан бунёд этилган. Хорижнинг энг замонавий технологиялари ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилган.

Кўприкнинг ёнида пиёдалар учун қарийб 90 метрлик битта, Оқтепа майдонида 48 ва 60 метрлик иккита ер усти ўтиш йўлаги барпо этилган. Уларнинг усти ёпилган, атрофи бежирим панжара ва ойналар билан ўралган. Бу одамларни қишда ёғиндан, ёзда иссиқдан ҳимоялайди, атрофдаги манзарадан баҳра олишга имкон беради.

Бундай бунёдкорлик ишлари бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, кўприклар қурилмоқда. Транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулайлик яратиш мақсадида Тараққиёт кўчаси ҳам узайтирилди. Унинг Паҳлавон Маҳмуд ва Мирзо Улуғбек кўчалари билан туташган жойидан Оҳангарон кўчасигача Тошкент механика заводи ҳудуди орқали 3 километр янги йўл қурилди. Тараққиёт кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли чорраҳасидаги кўприк реконструкция қилинди.

Шу каби қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида пойтахтимиз янада кўркамлашиб, яшаш учун қулайликлар ортиб бораётир. Ўзбекистон "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингида жаҳон бўйича 44-ўринни, пойтахтимиз Тошкент Буюк Британиянинг "Economist" журнали бўлинмаси – Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллагани ҳам бунинг тасдиғидир.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг, мамлакатимиз тараққиётининг ёрқин намойиши бўлган бундай замонавий иншоотлар, ободонлаштириш ишлари аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ

МУСТАҚИЛЛИК — ИФТИХОРИМИЗ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик – фахримиз, ифтихоримиз ва келажагимиз" мавзуида тадбир ўтказилди.

Тадбирда истиқлолимизни асраб-авайлаш, юртимиз иқтисодиётининг таянчи бўлган кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бизнесга оид билимларини бойитиш каби қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Партия сиёсий кенгаши раиси ўринбосари Д.Шоумаров ва бошқалар замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш самарасида иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етиб, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан ошгани, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасидаги изчил ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етганини таъкидлади.

– Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонлар қатлами мустаҳкам оёққа туриб, ривож топиши учун қулай шароит яратиб берилди, – дейди ЎзА мухбирига "Шамс" хусусий корхонаси раҳбари Шамсиддин Қосимов. – Биз бундай қулай шароитдан унумли фойдаланиб, янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ жойларда бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшишимиз зарур.

Партия аъзолари ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётининг янада ўсишида фаол қатнашмоқда, мустақиллигимизнинг 25 йиллик қутлуғ санасини муносиб кутиб олишга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

С.ШОЕВА

ИСТИҚЛОЛ ТАҚДИРИМДА

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори, композитор:

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан мусиқа санъатини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлида оламшумул ишлар олиб борилди. Мана шундай ижодий ишларда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили уюшма томонидан қатор ижодий тадбирлар ва ташкилий ишлар амалга оширилди. Жумладан, устоз композиторларимиз М.Ашрафий, И.Акбаров, С.Варелас, Б.Умиджонов, М.Бурҳонов хотираларига бағишланган концертлар, бир қатор ижодий кечалар ўтказилди. Таниқли ва ёш композиторлар яратган янги асарлардан тузилган симфоник, камер, эстрада, болалар мусиқаси концертлари бўлиб ўтди. Композиторларимизнинг мустақилликка бағишлаб симфоник оркестр учун махсус ёзган увертюралари телевидение тасмасига ёзиб олинди.

Ёш композиторларни, профессионал ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижодий баркамолликка йўналтириш уюшма олдида қўйилган муҳим вазифалардандир. Уларнинг ижодини янги-янги поғоналарга кўтариш, моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлида эстрада, камер чолғу асарлари, вокал, хор жанрларида мунтазам ёш талаба – композиторлар танловлари ўтказиб келинмоқда. Ёшларнинг замонавий ёзув услуби техникасини ривожлантириш мақсадида машҳур композитор Д.Шостакович номидаги бағишланган асарлар танлови ўтказилди. Айтиш жоизки, мазкур танловларда ёшларимиз ўзларининг ижодий изланувчанликларини кенг намойиш этдилар. Истеъдодли талабаларимиз халқаро композиторлар танловларида ҳам қатнашиб келмоқдалар. Хусусан, Украинада, Россияда бўлиб ўтган Халқаро ёш композиторлар танловларида Нодир Махаров, Нурали Эркаев 1-ўринни эгаллашди, Рустам Худойбердиев 2-ўринга сазовор бўлди.

Ёш ижодкорларимизни нафақат мусиқа олами балки бугунги кунда адабиёт, бадиий санъат, кино ва бошқа санъат турларида бўлаётган жараёнлар билан яқиндан таништириш мақсадида уюшма залида "Буюк ижодкорлар билан учрашув" туркумини ташкил этдик. Мазкур тадбирлар доирасида таниқли санъат арбоблари – Ўзбекистон халқ рассомлари Баҳодир Жалолов, Акмал Нур, адабиётшунос олима Суйима Ғаниевалар билан ижодий учрашувлар ўтказилди. Бундай жонли ижодий мулоқотлар ёшларимиз маънавий онгининг ҳар томонлама бойишида муҳим омил бўлмоқда.

Мустақиллик менинг тақдиримда ҳам катта ўрин тутади. Ўтган давр мобайнида йирик жанрда ёзган асарларимнинг 17 марта жаҳон премьералари бўлиб ўтди. Жанубий Корея, Вьетнам, Таиланд, Россия, МДҲ давлатларида бўлиб ўтган халқаро фестивалларда фортепиано ва оркестр учун ёзган концертларим билан, симфоник оркестр учун ёзган "Лазги", "Раталла", "Муҳаббат қўшиғи" асарларим билан иштирок этдим.

Озарбойжонда рубоб ва симфоник оркестр учун ёзган концертим ижро этилди. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан "Садоқат" операм премьераси катта муваффақиятлар билан бўлиб ўтди. Мазкур операм А.Навоий номидаги ДАКТ репертуаридан мустаҳкам ўрин олди. Мусиқа шинавандалари томонидан юқори баҳоланди.

Она Ватанимизнинг энг нуфузли байрамларида, давлат миқёсидаги бошқа бир қатор тадбирларда қўшиқларим янграб келмоқда. "Ягонасан, муқаддас Ватан" ҳарбий-ватанпарварлик қўшиқлари танловида бир қатор қўшимларим совринли ўринларни эгаллади. Буларнинг барчаси Мустақиллигимиз шарофатидандир.

ОЛИМПИАДА ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган беллашувларида ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этди. Диёрбек Ўрозбоев, Ришод Собиров, Элмурод Тасмуродов, Ихтиёр Наврўзов ва Магомед Ибрагимов Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига бронза медални тақдим этди.

Давлатимиз раҳбарининг фармойишига мувофиқ мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида олимпиада ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларидаги юксак спорт маҳорати ва мардлиги, халқаро спорт майдонларида Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун спортчиларимиз бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирланди. Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритган спортчиларимизнинг ҳар бири 200 минг АҚШ доллари, кумуш медалга сазовор бўлган спортчиларнинг ҳар бири 100 минг доллар, бронза медални қўлга киритган спортчиларнинг ҳар бири 75 минг доллар билан мукофотланди.

Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимизга "Malibu" автомобили ҳам берилди.

Ўзбекистон халқ артистлари О.Назарбеков, М.Азизов ва бошқалар спортчиларимизни Олимпия ўйинларидаги юксак муваффақияти билан табриклаб, келгуси нуфузли мусобақаларда омад тилади.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Р.Рўзиохунов, спортчилар Ҳ.Дўстматов, Р.Нурудинов, Б.Меликўзиев, Р.Тўлаганов ва Д.Ўрозбоев Президентимиз Ислом Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонини топширишга бағишланган тантанали маросимлар шаҳримиз туманларида бўлиб ўтмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

* * *

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигида соҳада фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ходимларга "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонларини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, маданият ва санъатимизни равнақ топтиришга оид эзгу ишлар ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим роль ўйнаётганини таъкидлади.

Кўрсатилаётган ғамхўрлик самараси ёш мусиқачиларимизнинг турли танловларда совринли ўринларга сазовор бўлаётганида, Ўзбекистон ёшларининг спорт, фан олимпиадалари, ижодий танловлар, санъат фестивалларида муваффақият қозоная-ётганида яққол намоён бўлмоқда. Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимизнинг 4 олтин, 2 кумуш, 7 бронзани қўлга киритгани истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлиб камолга етаётган ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини дунёга яна бир карра намоён этди.

Энг улуғ, энг азиз айём – истиқлолимизнинг 25 йиллиги арафасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, адабиёт, маданият ва санъат намояндалари иштирокидаги учрашувлар, мулоқотлар, спорт мусобақалари, суҳбатлар бўлиб ўтмоқда, концерт ва фестиваллар, танловлар ташкил этилмоқда.

"Истиқлол фарзандлари", "Келажак бизники, марра бизники!" номли ёшлар фестиваллари, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови, "Истиқлолга тенгдош ижодкорлар" кўргазмаси, "Янги овозлар" телетанлови, "Нурли наволар" фольклор жамоалари ва бахшилар фестивали мустақиллик йилларида маданий-маърифий жабҳаларда эришилган ютуқларни ёрқин мисоллар ёрдамида ёшлар онгига етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда мукофотланганлар маданият ва спорт соҳалари ривожи йўлидаги эътибори учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

* * *

"Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамиятида соҳада фаолият кўрсатаётган илғор ходимлардан бир гуруҳини "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонлари билан тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида енгил саноат мамлакатимиз макроиқтисодиёт комплексида муносиб ўрин эгаллади. Президентимиз раҳнамолигида яратилаётган қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар, мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база тармоқ корхоналарига салмоқли ютуқларга эришиш ва янги марраларга чиқиш имконини бераётир.

Мустақиллик йилларида соҳага киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 2,5 миллиард долларни ташкил этиб, бу уч юзга яқин йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун шароит яратди.

Янги корхоналарни ишга тушириш, мавжуд қувватларни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарасида ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ошиб бормоқда.

Тармоқда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида умумий қиймати 90 миллион долларлик, 1,6 мингдан ортиқ иш ўрнига эга бўлган ўндан зиёд янги корхона фойдаланишга топширилади. Ўтган даврда Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳрида еттита янги корхона фаолияти йўлга қўйилди. Қўқон тўқимачилик комбинати негизида ташкил этилган "Индорама Қўқон текстиль" хорижий корхонасида янги йигирув цехи иш бошлади.

(ЎзА)

ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистонимиз истиқлол даврида эришган ютуқларнинг омиллари – жуда кўп. Чунки қарийб бир ярим аср давомида мустамлака исканжасида яшаган мамлакатнинг мустақил давлат қуриши ҳам, уни тараққий эттириши ҳам ҳар қандай замон ва маконда ўта мураккаб ва комплекс жараён сифатида кечади.

Бироқ тинчлик-осойишталикни таъминлаш бу омилларнинг энг асосийси ҳисобланади. Сабаби, тинчлик-осойишталик ҳукм сурмаса хотиржамлик бўлмайди. Хотиржамлик бўлмаган ерда эса тараққиётни орзу қилиш хом хаёлдан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 2 июнида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида ҳам бу масала махсус қайд этилган, ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқишда, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилган:

"юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва миллий армиямизнинг салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган, кўлами ва миқёсига кўра улкан ўзгаришлар бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, миллатлар ва фуқароларо дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур очиб бериш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш ҳақидаги ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини атрофлича ёритиш. Хусусан, мамлакатимизнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига, ҳарбийларимизнинг хорижий мамлакатлардаги жанговар операцияларда қатнашишига йўл қўймаслик бўйича қонуний асосда белгилаб олинган қатъий позициясини кенг жамоатчиликка етказиш".

Бу уч устувор йўналишнинг ҳар бири ҳақида жилд-жилд китоб ёзиш мумкин. Сезиш қийин эмаски, учаласи бир-бирига чамбарчас боғлиқ вазифалар ҳисобланади.

Тинчликни сақлаш учун ҳар қандай давлатга армия керак. Замон эса – ҳамиша нотинч. Ҳар қайси давлат ўз халқи манфаатларидан келиб чиқиб, давр талабларига мос равишда армия тузиши зарур.

1991 йилнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган 31 августи куни "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Шу Қонуннинг 6-бандида мана бундай сўзлар қайд этилган:

"Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Суверен Ўзбекистон Республикаси ҳудудида... ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади".

Кўп ўтмай, яъни **1992 йилнинг 14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида"ги Қарори асосида Ўзбекистоннинг ўз Қуролли Кучлари ташкил этилди.** Ҳарбий кўшилмалар, бирлашмалар, ҳарбий ўқув юртлари, муассасалар, ташкилотлар, республика ҳудудида жойлашган бошқа ҳарбий қисмлар Ўзбекистон Республикаси назоратига олинди. Ушбу Қарор қабул қилинган ана шу сана Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилган кун сифатида тарихга кирди. Бинобарин, **1994 йилдан 14 январни *Ватан ҳимоячилари куни* сифатида байрам қилиб келамиз.**

Мустақиллик йилларида чинакамига ўз миллий армиямиз юзага келди. У давлат ва халқни ҳар қандай ташқи хавфдан муҳофаза қила оладиган қодир кучга айланди.

2002 йилнинг 29-30 август кунлари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусида маъруза қилди. Бу дастурий чиқишда ўша даврнинг давлат ва халқ олдида турган энг долзарб вазифалари ўртага қўйилди, ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим тамойиллари, жумладан, мамлакатимизда демократияни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг қуйидаги етти устувор йўналиши белгилаб берилди:

– **мустақилликни мустаҳкамлаш;**
– **хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш;**
– **эркин иқтисодиётни шакллантириш;**
– **инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш;**
– **"Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" шиорини амалга ошириш;**
– **суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш;**
– **инсон омилини ислоҳотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг натижаси деб билиш.**

Ана шу етти устувор йўналишни атрофлича таҳлил этиб берганидан сўнг давлатимиз раҳбари мамлакат Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш билан боғлиқ асосли мулоҳазаларини депутатлар ҳукмига ҳавола этди. Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш – Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан бири эканини таъкидлаб ўтди. **Мақсад – профессионал, яъни энг ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, шартнома-контракт асосидаги, аниқроғи, ҳар бир ҳарбий хизматчи ва давлат ўртасида шартнома тузиладиган армияни вужудга келтиришдан иборат эди.**

Президентимиз бу борадаги вазиятни чуқур таҳлил қилар экан, яқин келажакда Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизмат ўташ муддатини қисқартириб, уни **18 ойдан 12 ойга келтириш таклифини ўртага ташлади ва таклиф амалга ошди.** Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонимиз мустақиллик йилларида кўп асрлик тарихимизнинг синов ва сабоқларга бой бўлган ғоят мураккаб, лекин шарафли босқичини босиб ўтганини алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай деди: ***"Энг муҳими, энг асосийси – халқимиз ўзининг сабру матонатини, донишмандлигу қудратини белгиланган мақсад сари, аввало, ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда қатъият билан боришга қодир эканини бутун дунёга намоён этди".***

Чорак аср мобайнида амалга оширилган оқилона сиёсат, изчил ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонимиз бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга, яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир ўз миллий армиясига эга бўлди.

Бизнинг ҳарбий доктринамиз – мудофаа моҳиятига эга. Унинг мақсади мамлакатимиз давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, энг муҳими, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қаратилган. Тинчлик ва осойишталик эса – бизнинг энг катта ва бебаҳо бойлигимиз. Тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Бунинг учун биринчи галда мамлакатда яшаётган барча миллатлар ўртасида тотувлик ҳукм суриши лозим. Ирқи, дини, миллати, ижтимоий аҳволидан қатъи назар, фуқаролар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш – шарт.

Бизда аввал-бошдан шу йўналиш қатъий тарзда маҳкам тутилди. 1992 йилнинг 13 январи куни Республика Байналмилал маданият маркази тузилди. Унга мамлакатдаги миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди. Миллий маданий марказлар фаолияти амалда миллатлараро тотувлик ғоясини ҳаётга татбиқ этишнинг ёрқин ифодаси янглиғ хизмат қилади.

Аҳоли ўртасида тотувлик бўлиши учун динлараро бағрикенглик ҳам – жуда зарур. Биз фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган давлат қуряпмиз. Барча диний йўналишларга бир хил шароитлар яратиб берилган. 16 та диний конфессия расман рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб боряпти.

Мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш – кўп жиҳатдан давлатнинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатига боғлиқ. Биз Ер юзидаги яқин ва узоқ мамлакатлар билан дўстона алоқалар ўрнатиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш тарафдоримиз. **Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги йўли – қатъий: у дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этишдан иборат.**

Тинчликпарварлик ғояси халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ўзбекистонимизнинг қаерига борманг, ҳар куни дастурхонга дуо қилинаётганда, албатта, дунёга, аввалambor, юртга тинчлик сўралади. Бизда тинчликка энг бебаҳо неъмат янглиғ қаралади.

Миллий армиямизни янада такомиллаштириш, уни ҳар тарафлама замон талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш бўйича изчил ислоҳотлар олиб бориляпти. Юртбошимиз таъкидлаганидек: ***"Бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор".***

Бу борада, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган Фармони алоҳида аҳамият касб этди. Ана шу Фармон асосида, 2009 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақириш, шунингдек, белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига март-апрель ойларида бўшатиш тартиби ўрнатилди.

Фалсафада: *"Ҳамма нарса – бир-бирига боғлиқ"*, – деган қараш мавжуд. Ҳақ гап.

Ҳар қандай замонавий давлат армиясида бўлгани каби, бизда ҳам ҳарбий қасамёд бор.

Хўш, аскар кимга қасамёд қилади?

Ватанга, албатта!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 18 йиллиги арафасида Тошкент шаҳрида барпо этилган янги ҳайкалга **"Ватанга қасамёд" номи берилди.** Бу бежиз эмас. 2010 йилнинг 12 январи куни Юртбошимиз ана шу ҳайкалнинг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида ёдгорлик мазмун-моҳиятида акс этган бош ғояни ҳар тарафлама таҳлил қилиб берди. **Демак, бизга фақат жисмонан бакувват, пухта ҳарбий тайёргарликка эга аскарларгина эмас, маънан ҳам баркамол Ватан ҳимоячилари керак.**

Шу маънода ҳайкалнинг айнан "Баркамол авлод йили" бошида очилгани замирида ҳам кучли мантиқ, рамзий боғлиқлик сезилиб турибди.

Бугунги Ватан ҳимоячиси, Президентимиз таъкидлаганидек: *"Она юртга, она заминга садоқат билан, кимнинг авлоди эканини хаёлидан чиқармасдан, ҳаётда аниқ мақсад ва эътиқод билан яшайдиган ҳарбий инсон Қуролли Кучларимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, энг катта бойлиги"* бўлиши керак.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти ва ҳаракатчанлигини кучайтириш, уни замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлаш, ҳарбийларимизнинг профессионал малакаси ва тайёргарлигини ошириш, уларнинг ўзлари ва оила аъзолари ижтимоий эҳтиёжларини муносиб қондириш, ҳарбий хизматни амалда шон-шараф ишига айлантириш, шу тариқа армиямиз қиёфасини тубдан ўзгартириш борасида кўп иш қилинди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида хизмат ўтаётган ҳарбийларимиз учун янги уйлар қурилиб, фойдаланишга топшириляпти.

Бугун Ўзбекистонимиз дунёда ўзининг тинчликпарвар сиёсати билан танилди. Энг муҳими, давлатимиз ўз сиёсати ва таклифлари билан Ер юзида тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Буни шу йилнинг 23-24 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси раислигида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси ҳам ёрқин намоён этди.

Давлатимиз раҳбари ана шу мажлисда сўзлаган нутқида жаҳонда кечаётган жараёнлар ва юзага келган мураккаб вазиятни таҳлил қилар экан, жумладан, шундай деди: *"Минг афсуски, ҳозирги вақтда вужудга келаётган халқаро вазиятда ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ўрнига қарама-қаршилик ва рақобат кучайиб бормоқда. Бундай ҳолатни кўрмаслик, сезмаслик мумкин эмас"*. Юртбошимиз, шунингдек, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти бундан кейин ҳам оғишмай амал қилиши лозим бўлган йўналиш ва қатъиятларни илгари сурди: *"Юзага келаётган бундай мураккаб шароитда ШҲТнинг Хартияси ва бошқа асосий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган очиқлик ва ҳеч қандай блокка қўшилмаслик принципларига қатъий амал қилишимиз ва бундай ёндашувни янада мустаҳкамлашимиз – ўта муҳим аҳамиятга эга. Вужудга келаётган минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этишда бундан кейин ҳам мафкуравий ва қарама-қаршиликка олиб келадиган ёндашувларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш даркор"*.

Ана шу мажлисда Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислик давридаги фаолиятига юксак баҳо берилди.

Бугун ушбу воқеаларга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Лекин мустабид тузум даврида Ўзбекистонимизнинг жаҳон сиёсати майдонида шундай юксак мавқе-мақомга эришувини хаёл қилиш ҳам амри маҳол эди.

Мустабид тузум даврида ҳам Ўзбекистоннинг Ташқи ишлар вазирлиги бор эди. Лекин унда бор-йўғи 10-12 ходим ишлар эди, холос. Ахир, республика БМТга аъзо бўлмаса, бирон-бир давлатда элчихонаси ёки бирон-бир давлатнинг бу ерда элчихонаси бўлмаса, бирон-бир давлат билан ўзича тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатиш ҳуқуқига эга бўлмаса, бундай вазирлик қўғирчоқ бир ташкилотдан бошқа нарса эмас эди. У фақат айрим хорижлик нуфузли меҳмонлар Ўзбекистонга келадиган бўлса ёхуд узоқ бир юртга учаётганда қўниб ўтадиган бўлса, расман, яъни хўжакўрсинга уларни кутиб олиб, кузатиб қўйиш учун керак эди бу вазирлик.

Ўша эски тузум даврида Ўзбекистоннинг Мудофаа вазирлиги ҳам бўлмаган. Республика ҳудудидаги армия Туркистон ҳарбий округига қараган. Бу ҳарбий округ эса тўғридан-тўғри иттифоқ мудофаа вазирлигига бўйсунган. Туркистон ҳарбий округи қисмлари Ўрта Осиёнинг барча республикалари ҳудудига жойлаштирилган эди.

Энг ёмони, ўзбекистонлик йигитлар армияда кўпроқ қурилиш батальонларида хизмат қилар эди. Чунки собиқ марказ мустамлака республикалар фуқароларининг замонавий ҳарбий техника билимларини эгаллашини асло истамаган.

Шуларни эсласак, ўтган 25 йил мобайнида Ўзбекистонимиз кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада равнақ топганига дил-дилдан шукроналар айтамиз.

Шундай кезда чорак асрнинг залворли одимлари кўз ўнгимиздан бирма-бир ўтади.

Хўш, ўтган ана шу йиллар мобайнида биз айнан нималарга эришдик?

Чунончи, миллий давлатчилигимизни тикладик. Жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгалладик. Ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда **"ўзбек модели"** деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширдик.

Тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлган турли қийинчилик, етишмовчилик, оғир ва машаққатли синовларни енгиб ўтдик. Бунда одамларимиз, бутун халқимизнинг дунёқараши, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётгани асосий омиллардан бўлди.

Эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлодимиз янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етяпти.

Мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилди. Топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб берди. Мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишларни амалга оширдик.

Илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айландик. Ҳозирда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар тараққий этди, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошди, мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётир. Мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан тараққиётимизнинг локомотиви бўлган етакчи тармоқларни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимизда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириб бориш, **Конституциямизда кўзда тутилган хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг самарасини янада кучайтириш йўлидан боряпмиз.**

Қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилди. Юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг **96 фоизи мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариляпти.** Шунинг эвазига ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,5 карра, картошка – 1,9 марта, сабзавот – 2,6 баробардан ортиқ, мева 6,3 марта кўпайди.

Мулкдорлар синфи жадал ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди, айни шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қиляпти.

Биз учун ўта муҳим бўлган таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш изчил йўлга қўйилди. 2015 йили давлат бюджетининг 60 фоиздан ошиғи социал соҳаларга йўналтирилди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, агар мамлакатда тинчлик ва осойишталик изчил таъминланмаганда бундай ютуқлар қўлга кирармиди?

Йўқ, албатта.

Узоққа бормай, яқинда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинлари натижаларини олинг. Мамлакатимиз вакиллари 4 олтин, 2 кумуш ва 7 бронза, жами 13 та медаль олиб, умумий ҳисобда Олимпиадада иштирок этган давлатлар орасида шарафли 21-ўринни эгаллади. Ахир, бу Олимпиадада жаҳоннинг 207 та давлати қатнашди. **Биз эгаллаган ўринга нақд кўпгина давлатлар ҳавас қилди.**

Яна бир фактни эслатиб ўтайлик. Биз ёзги Олимпиада ўйинларига 1996 йилдан буён қатнашиб келамиз. Шу пайтгача 5 та олтин, 5 та кумуш, 10 та бронза, жами 20 та медаль олган эдик. Аммо бу галнинг ўзида 13 та!

Агар 25 йил бурун кимдир шуни башорат қилган бўлса, ўша пайтда бунга ҳеч ким ишонмас эди.

Биргина спортда эришаётганимиз оламшумул ютуқларимизга ҳам *бевосита мамлакатдаги тинчлик ва осойишталикнинг ҳосиласи,* деб қарашимиз зарур.

Бугунги кунда халқимиз бир нарсани теран англаб етди: бу ютуқларимизнинг барчаси Юртбошимизнинг ФОЯСИ, ТАШАББУСИ, ЛОЙИҲАСИ, РЕЖАСИ ВА РАҲНАМОЛИГИнинг ёрқин ифодасидир.

Яна бир – ҳақиқат: ҳаётини эл-юрт хизмати, эзгу ишлар, бунёдкорлик, Ватан тинчлиги ва равнақига, шундай олий мақсадларга бағишлаган, шу тариқа халқнинг дуосини олган улуғ зотларнинг умри боқий бўлгай.

ЗЕРО, БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ, КАМ БЎЛМАЙМИЗ ҲАМ!

Олим МАҲМУДОВ

Ким эдигу ким бўлдик?

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК – БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ш.Фозиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият асослари янада мустаҳкамланди. Замонавий демократик талабларга жавоб бера оладиган суд тизими шаклланди. Бу халқимиз манфаатларига хизмат қилиб, ҳаёт даражаси ва сифати ортишига, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалишига замин яратди.

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани ишларни кўриб чиқиш тезлиги ва сифати ортишига олиб келмоқда. Бу каби чора-тадбирлар фуқароларнинг судларга ишончи ортишига хизмат қилаётир.

Йиғилишда судья ва суд ходимларининг масъулиятли фаолияти давлатимиз томонидан доимо юксак қадрланаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 1 июлдаги фармонига биноан таъсис этилган "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони билан соҳа ходимларидан юзга яқини тақдирланди. Тадбирда ушбу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Фахрийлар – фахримиз

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ НАШИДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, ёш авлодни она Юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, фидокорона меҳнати ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги билан эл-юрт иззат-ҳурматига сазовор бўлган инсонларга Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилмоқда.



Жумладан кўплаб меҳнат фахрийлари қаторида Юнусобод туманидаги "Юнусобод" маҳалласида яшовчи 100 ёшдан ошган Исмоил ота Исроилов ҳам Президентимиз Фармонига биноан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Юксак мукофотни топшириш маросими ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Исмоил ота Исроилов хонадонига Тошкент шаҳар ва Юнусобод тумани ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари, дўсту биродарлар, қариндошлар жамланишди. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов "Шуҳрат" медалини пиру бадавлат отахонга топширар экан, бу мукофотнинг бутун умри давомида юрт равнақи йўлида қилган фидокорона меҳнатлари самараси эканлигини таъкидлади.

— Отам 1915 йил 5 октябрда таваллуд топганлар, — дейди отанинг кичик ўғли Равшан Исроилов. — 1938 йили ҳарбий хизматга чақирилиб, сўнг тўппа-тўғри урушга ўтиб кетганлар. Уруш ногирони бўлишларига қарамай қишлоқ хўжалигида оддий ишчиликдан бригадирликкача бўлган вазифаларда ишладилар.

Исмоил ота билан Лутфи ая турмуш қуришиб, беш фарзандни тарбиялашди, ҳаммасини олий маълумотли қилишди. Айни пайтда отахон 30 дан ортиқ невара, 70 га яқин чевара атрофида умргузаронлик қилмоқда. Исмоил ота ҳали бардам, фикри теран.

— Бутун умр ҳалол меҳнат қилдим. Олтин олмадим, дуо олдим, — дейди "Шуҳрат" медали соҳиби И.Исроилов. — Давлатимиз томонидан кексаларга доимо шундай ғамхўрлик қилинаётгани учун биз фахрийлар доимо миннатдормиз. Юртимиз тинч, маҳаллаларимиз обод. Шундай тинчликни таъминлаб бераётган Президентимизга раҳмат. Доимо фарзандлар ва невараю чеваралар ардоғидаман. Минг шукр.

— Отамизнинг "Шуҳрат" медали билан мукофотланганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдик, — дейди отанинг кенжа қизи Фарида Аҳмедова. — Улар билан фахрланамиз. Умрлари узоқ бўлсин.

Тадбир давомида отахон шаънига илиқ сўзлар айтилди, Юнусобод тумани ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

З. ШАРИФЖОНОВ

Реклама ўрнида

Чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз аҳолисини Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан муборақбод этади. Обод ва озод юртимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик тилайди.

Истиқлолимиз ҳамиша абадий бўлсин!

25 ЙИЛ



HAMKORBANK
БИРГАЛИКДА ЮКСАЛИШ САРИ

25 йил
МОЛИЯ БОЗОРИДА

0-800-1-200-200
www.hamkorbank.uz

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

"O`ZSANOATQURILISHBANK" АТБ ЖАМОАСИ
қадрли юртдошларимиз, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги байрами билан чин кўнгилдан табриклайди.
Мамлакатимиз иқтисодиётини тараққий эттириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган барча юртдошларимизга соғлик-омонлик, оилаларига тинчлик тилаймиз.



"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ кенг танлов асосида юқори даромадли депозитларни қулай шартлар билан таклиф этади.

Миллий валютадаги омонатлар:	
"Она ва бола"	"Бетакроримсан Ватаним"
Омонат тури – миллий валютадаги муддатли омонат. Муддати – 4 ой. Қўшимча шартлари – омонат бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар ойда олдиндан тўлаб берилади.	Омонат тури – миллий валютадаги муддатли омонат. Муддати – 5 ой. Қўшимча шартлари – банк пластик карталаридаги маблағларини нақд пулсиз шаклда ўтказиш орқали қабул қилинади.
Хорижий валютадаги омонатлар:	
"Самарали"	"Эътироф"
Омонат тури – АҚШ долларидаги жамғарма омонати. Муддати – 12 ой. Қўшимча шартлари – омонатга қўшимча маблағ қабул қилинади, фоизлар хорижий валютада тўлаб берилади.	Омонат тури – АҚШ долларидаги жамғарма омонати. Муддати – 4 ой. Қўшимча шартлари – омонатга қўшимча маблағ қабул қилинади, фоизлар ҳар бир ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютада тўлаб берилади.

• Банк ўз мижозлари омонатларининг фоиз даромадлари билан бирга тўлиқ қайтариб берилишини кафолатлайди.
• "Ўзсаноатқурилишбанк"даги аҳоли омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.
• Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (0 371) 140-66-32, 140-66-33.

"Ўзсаноатқурилишбанк" – вақтлар давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

O'zDJTI

Қадрли юртдошлар!

Энг улуғ, энг азиз байрам –
Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги
билан барчангизни самимий муборақбод этамиз.
Истиқлол қалбларимизга қувонч, хонадонларимизга
хотиржамлик ва бахту иқбол, файзу
барака, фаровонлик олиб келсин.
Обод диёримиз бундан-да гуллаб-яшнайверсин.
Жаннатмакон Ўзбекистонимиз заминида
ҳамиша тинчлик куйлари янграсин.
Юртимиз тинч, истиқболимиз порлоқ бўлсин!




ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

"TOSHKENT LOKOMOTIV ISTIROHAT BOG`I" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



мамлакатимиз аҳлини Мустақиллигимизнинг қутлуғ 25 йиллиги байрами билан чин юракдан табриклайди.
Азизлар, илоҳим ҳамиша юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлсин.
Мустақил Ватанимиз узра эсаётган тинчлик насимлари ҳар бир хонадонга, ҳар бир гўшага қувонч, хотиржамлик олиб келсин.
Қалбингизда уйғонган ёруғ ниятларингиз ижобат бўлсин.



Барчангизга нурли иқбол, аъло кайфият, турмуш хотиржамлигини тилаб қоламиз.

Хизматлар лицензияланган

Реклама ўрнида

IPOTEKA BANK

Ипотека банк
жамоаси
ватандошларимизни энг азиз
байрам – Истиқлолимизнинг
қутлуғ 25 йиллиги
билан самимий
муборакбод этади.



MUSTAQILLIGIMIZGA 25 yil

ТОШКЕНТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг
25 йиллиги байрами билан муборакбод этади.
Бу қутлуғ айём қалбларимизга қувонч,
хонадонларимизга осойишталик,
файз-барака олиб келсин.

Кўнгилларимизни эзгулик, шодлик
ва шукроналик туйғулари асло тарк этмасин.
Озод ва обод Ватанимиз равнақи, ёрқин истиқболи
йўлидаги эзгу ишларингизда омад ҳамиша ёр бўлсин!



"ЎРИКЗОР" ИХТИСОСЛАШГАН
БОЗОРИ ЖАМОАСИ

қадрли ҳамшаҳарларимизни
энг ардоқли байрамимиз
– Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги
шодиёналари билан самимий
муборакбод этади.
Ўтган 25 йил давомида Ўзбекистонда
асрларга татигулик ишлар
амалга оширилди.
Бундан кейин ҳам юртимиз
гуллаб-яшнасин, бозорларимиз
тўкин-сочин бўлсин, ҳар бир
оиладан фаровонлик,
қут-барака аримасин.

XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ
жамоаси халқимизни
Мустақиллигимизнинг
25 йиллиги билан
самимий табриклайди!

Халқ банки жамоаси юртдошларимизга
қуйидаги истеъмол кредитларини
таклиф этади:
— мебель, электр маиший техника,
компьютер, ошхона жиҳозлари;
— уй-рўзғор товарлари;
— автотранспорт воситаларига
метан газ мосламаларини
ўрнатиш ва бошқалар...

Хизматлар лицензияланган

Xalq banki — doim siz bilan birga!

Реклама ўрнида

MMS

MUSTAQILLIGIMIZGA 25 yil

"MAGNUM MEDIKAL SERVIS"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма беш йиллиги билан муборакбод этади. Юрт равнақи йўлида олиб бораётган ишларингиз янада ривож топсин. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонингизга тинчлик, дастурхонингизга файзу барака тилаймиз!



Маҳсулотлар сертификатланган

MUSTAQILLIK MUBORAK BO'LSIN!

25 yil

"Invest Finance Bank" jamoasi Sizni xalqimizning eng ulug', eng aziz bayrami – Mustaqilligimizning 25 yilligi bilan samimiy muborakbod etadi.

Vatanimiz ravnaqi va xalqimiz farovonligi yo'lidagi sharafli ishlaringizda mustahkam sog'liq va ulkan zafarlar tilaydi!

InfinBANK

Xizmatlar litsenziyalangan

"ЎЗАГРОСУҒУРТА"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

25 ЙИЛ
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

"SUHROBBEK MANKAMBOY" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги шодиёналари билан қутлайди. Юртимиз тинч ва обод бўлсин, тараққиёт йўлида амалга ошираётган ишларимиз ўнгидан келсин. Ҳар биримизни бахт ва омад тарк этмасин!



"ЎЗАГРОСУҒУРТА"
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимиз, ўз мижозлари ҳамда юртимиз меҳмонларини энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг 25 йиллиги шодиёналари билан чин қалбдан муборакбод этади. Мустақиллигимиз абадий бўлсин. Эл-юрт тўкинлиги, халқ фаровонлиги, жамиятимиз тараққиёти йўлидаги эзгу ишларингизда қут-барака, омад ва муваффақиятлар тилаймиз!

WWW.AGROS.UZ

Хизматлар лицензияланган

Реклама ўрнида

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

25

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

жаннатмакон юртимизнинг
меҳнатсевар халқини
Энг улуғ ва энг азиз шодиёна – Ватанимиз
Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами
билан чин қалбдан муборакбод этади.

Фурсатдан фойдаланиб
Палата томонидан
кўрсатилаётган хизматлар билан
бошқарманинг www.tssp.uz
сайтида танишишингиз
мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Хизматлар лицензияланган

"12-АВТОБУС САРОЙИ"
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз халқшаҳарларимиз
ва пойтахтимиз
меҳмонларини
Мустақиллигимизнинг
25 йиллиги билан муборакбод
этади.

Элимизнинг ризқи зиёда, толеи
баланд бўлиб, кўнглимиздаги энг
эзгу, олижаноб тилакларимиз
амалга ошсин.

Байрам шукухи
қалбларимизни асло тарк
этмасин!



"САВДО ВА ХАВФСИЗЛИК" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган "Савдо ва хавфсизлик" кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 июлдаги қарорига асосан ўтказилаётган "Савдо ва хавфсизлик" кўрик-танлови савдо ва умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўрик-танлов бу йил илк бор Тошкент шаҳри миқёсида ўтказилди. Унда ресторан, бар, кафе, чойхона кўринишидаги умумий овқатланиш шохобчалари, бозор, гипермаркет, супермаркет, минимаркет, киоск шаклидаги тадбиркорлик субъектлари қатнашди. Танловнинг шаҳар босқичида 64 иштирокчи ўзаро баҳслашди.

Ҳакамлар ҳайъати ғолибларни аниқлашда объектларда аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган замонавий технологияларнинг татбиқ этилиши, давлат стандартлари, гигиена, санитария, ёнғин хавфсизлигига оид норматив ҳужжатлар, қоида ва талабларнинг бажарилиши, шохобчаларга ёндош ҳудудларнинг ободонлигига эътибор қаратди.

"Mind Azia" масъулияти чекланган жамияти "Энг яхши йирик савдо объекти", "Suxail Nur" масъулияти чекланган жамияти "Энг яхши ўрта савдо объекти", "Karamel" масъулияти чекланган жамияти "Энг яхши савдо объекти", "Ilk biznes" масъулияти чекланган жамияти "Энг яхши ресторан", "Mob Group" масъулияти чекланган жамияти "Энг яхши кафе", "New Lessor Group" масъулияти чекланган жамияти "Энг яхши чойхона" номинацияларида ғолиб деб топилди.

– Замонавий савдо мажмуамизда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, совғалар харид қилиш билан бирга ҳар томонлама шинам кафеларда оилавий дам олиш учун ҳам барча шароит яратилган, – дейди танлов ғолиби, "Mind Azia" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бобур Ёқубов. – Танлов ғолиби сифатида эътироф этилганимиздан хурсандмиз. Келажакда ишимизни янада кенгайтириб, аҳоли эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш ниятидамиз.

Ғолиблар диплом ва совғалар билан тақдирланди. Концерт дастури барчага хушнудлик улашди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов сўзга чиқди.

Д.КАРИМОВ

УНУТИЛГАН НОН БЎЛАКЛАРИ

ёки фаровон кунлар шукронаси

Ҳар сафар меҳнат таътилига чиқиб қишлоққа борар эканман, юрагим ҳапқириб, тўлиб кетаверади. Ҳар гал гўё янги масканга тушиб қолгандек бўлаверамаи: янги бинолар, обод кўчалар, янги боғлар...

Тонг оқариб қолган бўлса-да, киприк қоқмадим. Қуёшнинг илк нурлари тоғлар оша кенг далаларга ёйилар экан, денгиз каби чайқалиб турган олтинранг буғдойзорлар эътиборимни тортди. Бўлиқ-бўлиқ бошоқлар бу йил ҳам хирмон мўл бўлишидан далолат беради. Зар қадрини заргар билади, деганларидек ер қадрини деҳқондан сўраш керак. Юртимизда ер ҳақиқий деҳқон қўлига ўтганлиги, уларнинг меҳнати ва меҳри эвазига шундай мўл ҳосил етиштирилаётгани кўнгилларга ҳузур бағишлайди.

Далаларнинг кўнгай тарафидаги пакана ва ярим пакана боғларнинг мевалари кўзни қамаштиради. Заминимизнинг унумдорлиги, серқуёш осмонимизнинг тафти билан бир туп дарахтда шунча ҳосил етилишини илгари хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз. Собиқ тузум даврида Ўзбекистон табиатининг бу саховатидан, қишлоқ хўжалигининг кенг имкониятларидан самарали фойдаланилмади. Фақат пахта етиштириш билан чекланиб, боғдорчилик, сабзавотчилик деярли унутилаёзган. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур ғалла, мева-сабзавот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари четдан келтириларди.

Тошкентда ўтган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида АҚШ, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбойжон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби мамлакатлардан уч юздан зиёд ишбилармонлар қатнашди. Ривожланган давлатларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳамда савдо компанияларининг Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавотга эътибори юқори эканлиги ярмарка давомида яна бир бор ўз исботини топди.

Меҳмонларнинг оммавий ахборот воситаларига берган интервьюлари билан танишар эканман, АҚШнинг "Food Beverage" компанияси вакили Алан Ренонинг сўзлари диққатимни тортди: "Ўзбекистон ҳақида, бу ерда етиштириладиган мева-сабзавотлар ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида иштирок этиб бу маҳсулотларни татиб кўриш имкониятига эга бўлдим. Мамлакатингизда етиштирилаётган мева-сабзавотлар ўзининг хуштаъмлиги, витаминларга бойлиги билан ажралиб туради".

Серқуёш юртимизда етиштирилган мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларининг хуштаъмлиги, дармондориларга бойлигию хорижда ҳам харидоргирлигини илгари ҳам кўп эшитганмиз. Лекин хорижликларнинг ҳил-ҳил пишган меваларни дарахт шохидан ўзи олиб еган-дагги завқию таассуроти, тишлаганда сувлари сачраб турган олмаю, оғизда эрийдиган нок ва шафтолиларни кўриб, юртимизга Яратганнинг назари тушганлигига имон келтирасиз.

Дунёнинг айрим мамлакатларида озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги сезилаётган бир пайтда юртимиздаги фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқасида мўл-кўл мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Эҳтиёждан ортган қисми хорижга экспорт қилинаётир. Бу аҳоли даромадининг ошишига ва фаровонлигининг юксалишида муҳим омил бўлаётир.

Амир Темур ҳам ўз даврида халқ даромадининг етакчи манбаси бўлган деҳқончиликка катта эътибор берган экан. "Темур тузуклари"да: "... кимки бирон саҳрони обод қилса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олинмасин, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсин, учинчи йили қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғилсин", дея қайд этилган.

Деҳқон ва фермер хўжаликларига давлат томонидан яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар натижасида улар нафақат ўз оиласини, балки юртдошлари дастурхонини тўкинсочин қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўйи-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қила олдик. Бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, азму шижоати боис Ўзбекистонимизнинг шон-шуҳрати олам узра кенг ёйилмоқда.

Болалигимдан хотирамда шундай манзара муҳрланиб қолган: чаноғида пахтаси қолмаган, қуп-қуруқ ғўзапоялар ва ғалладан бўшагач ёнғиндан қорайиб, куйиб тутаб ётган тап-тақир майдон. Ҳақиқий ер эгаси қолиб, далаларимизга нима экишни умрида далага чиқмаганлар ўргатган даврлардаги манзара бу. Ҳозир манзара бутунлай бошқача. Бўш турган ерни кўрмайсиз. Фермерлар ҳар қарич ердан унумли фойдаланмоқда.

Обод ва батартиб экин майдонларини кўриб, ишнинг кўзини билган деҳқонларга тасанно деймиз.

Бугун мамлакатимизнинг қай бир ҳудудига борманг, таъбир жоиз бўлса, истиқлол йилларида яхши ниятлар билан экилган ниҳоллар мева тукканига – кенг кўламли ислоҳотлар натижасида нафақат қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётимизнинг барча соҳалари барқарор ривожланиб, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган муҳим ижтимоий дастурлар ижобий самаралар бераётганига гувоҳ бўласиз...

Истиқлолимиз арафасида барча соҳаларда танқислик вужудга келган, нарх-наволар ошиб, дўконлар пештахталари бўшаб қолган эди. Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати туфайли шундай оғир шароитларда ҳам нон ва ун маҳсулотларининг нархи оширилмади.

...Қишлоқда ҳаётнинг гашти бўлакча. Бугун қўшниникига тўйга айтишса, эртага ҳашарга чорлашади. Тинч ва фаровон юртда одамлар тўйлар қилиб, уйлар қуради.

Олимжон ён қўшнимиз. Жуда ишбилармон йигит. Яқинда маҳаллада чой қадоқлайдиган цех очиб, тадбиркорга айланди. Ўнга яқин тенгдошини иш билан таъминлади. Янги уй қурибди, шинам ва замонавий. Эски уйини бузаётган экан, ҳашарга айтиб қолди. Бир пасда уйнинг томини очдик. Бурчакда увадаси чиққан сомон уюми остидаги тўртта қанор қопга кўзимиз тушди. Қарасак, қуритилган нон экан. Олиб ерга ташладик. Чириган қоплар йиртилиб, нон бўлаклари сочилиб кетди. Бизни кузатиб турган Олимжоннинг онаси шошиб келиб, нон бўлакларини қўлига олди. Кўзига суртди.

– Бу нонларни сен эслай олмайсан-а, болам, – деди Олимжонга. – Мустақиллигимиздан олдинги йиллар эди. Одамлар орасида "давлат одамларни боқа олмас экан, яқинда нон танқислиги бўлармиш", деган миш-миш кўпайди. Отанг ҳам бу гапларга ишонган. Ҳар куни уч-тўрттадан буханка нон олиб келар, кесиб қуритар, қопларга жойлаб, томга чиқариб қўярди. Ҳисоблаб кўрсак, бу нонларга 25 йилдан ошибди. Садағанг кетай, увол бўлмасин. Эсимиздан ҳам чиқиб кетибди-я. Нон танқислиги ўрнига мўл-кўлчилик, осудалик, тўкинлик бўлди, Худога шукр!

Онахоннинг кўзларида қалқиган ёшлар бугунги куннинг шукронаси эди.

Тошкентга қайтар эканман, кўз олдимдан товланиб бир-бир ўтаётган бепоён буғдойзорлар бошида ҳосил салмоғидан кўнгли тўлиб турган деҳқоннинг қўлларини кўзларимга суртгим, меваси кўплигидан шохларини кўтаролмаётган дарахтларни парвариш қилган боғбонлар олдида бош эгиб таъзим қилгим келди...

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА шарҳловчиси





Ислом Исмоилов олган суратлар

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан "Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси – давлатимиз эътиборида" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

МУСТАҲКАМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Юртимизда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни замон талабларига жавоб берувчи кийим-кечаклар, сифатли озиқ-овқатлар ҳамда тиббий хизмат билан таъминлашга доимо эътибор қаратиб келинмоқда. Бу эса миллий армиямизнинг жанговар салоҳиятини ошириш ҳамда ҳарбий хизмат нуфузини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда таъкидланишича, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси ҳамда фаровонлигини таъминлаш, улар учун янги турар жойлар қуриш, мавжудларини таъмирлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2007-2015 йиллар мобайнида олти мингга яқин ҳарбий хизматчилар уй-жой билан таъминланди. Шунингдек, 2016-2025 йиллар давомида ҳар йили тўққиз юздан зиёд ҳарбий хизматчилар турар жой билан таъминланиши режалаштирилган.

Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан барча ҳарбий округларда, узоқ гарнизонларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун 350 га яқин хонадондан иборат тўққизта кўпқаватли уй қуриб битказилиши, турар жой, даволаниш муассасалари бинолари, ётоқхоналар, лаборатория ва ўқув хоналари капитал таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғини сақлаш, уларга тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида самарали тизим ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда вазирлик тасарруфида замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, малакали тиббий ходимларга эга йигирмадан ортиқ даволаш-профилактика муассасалари фаолият олиб боради. Шунингдек, ҳарбий қисм тиббиёт пунктлари ва бошқа махсус ҳарбий-тиббиёт муассасалари ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларининг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ВА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги "Лашкарбеги" маҳалласи ҳудудида жойлашган 547-мактабгача таълим муассасасида эрта тонгдан янграган мусиқа садолари маҳалла аҳлини ва қадрли меҳмонларни бу ерда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида бўлиб ўтадиган тадбирга — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг чорак асрлик шодиёналарига чорлади.

Байрамона безатилган муассасанинг гуллар ва дарахтлар билан қопланган файзли ҳовлисидаги маданий-маърифий тадбирда сўзга чиққан Мирзо Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилдора Обидова, "Лашкарбеги" маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Мирсаид Миржапаровлар маросимга тўпланганларни Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг қутлуғ 25 йиллик муборак санаси билан қутлаб истиқлол йилларида гўзал ва бетакрор юртимизда амалга оширилган беқиёс ва буюк ўзгаришлар ҳақида, Ватанимизнинг жаҳонда кун сайин ошиб бораётган обрў-эътибори ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

— Бу йил зўр шодиёналар билан нишонланаётган байрамимиз маҳалламиз аҳли учун қўшалоқ шодиёна десам айни муддаони айтган бўламан, — дейди "Лашкарбеги" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулфияхон Расулий. — Гап шундаки, айни шу кезларда халқимиз Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бутун дунё нигоҳини ўзига тортган XXXI Ёзги Олимпиада ўйинларида ўзбек спортчилари кўрсатган юксак маҳорат, жасорат ва мардлик оғушида яшамоқдалар. Энг муҳими, Олимпиада ўйинларида маҳалламизда камол топган, ўз маҳорати билан жаҳон ва халқаро миқёсларда ўтказилган нуфузли мусобақаларда юксак марраларга эришган маҳалладошимиз Анастасия қувончга тўлган ҳолда жонажон юртига, гўзал ва мафтункор пойтахтимизга қайтиб келди. Маҳаллада ўтказилган бугунги маросимда маҳалламизнинг эркатой қизини — Истиқлол фарзандини, довруғ қозонган гимнастикачимиз Анастасия Сердюковани шарафладик. Унинг шаънига эзгу тилаклар билдирилди. Яна иккинчи қувончли ҳолат — 25 йиллик қутлуғ байрам арафасида маҳалламиз фуқароси — санъатшунос-мураббий, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг доценти Инесса Гулзаровага Президентимиз Фармонига биноан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" деган юксак унвон берилди. Бундай юксак эътирофлар албатта истиқлол берган имкониятлар туфайлидир.

Дарҳақиқат шундай! Маданий-маърифий тадбирда сўзга чиққан Ғуломжон Зокиров, Абдуғани Абдуқайимов, Эльмира Маҳмудова, Нигора Каримова ва бошқалар Истиқлол берган буюк неъматлар ҳақида, халқимизнинг фаровонлиги кун сайин ошиб бораётганлиги, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг қадри нақадар баландлиги хусусида тўлқинланиб сўзладилар.

Халқимизда қувончли кунларда, одамларга совға-саломлар улашишдек яхши удум бор. Мустақиллик байрамининг 25 йиллигига бағишлаб ёшлар орасида ижодий танловда ғолиб чиққан истеъдодли ёш мўйқалам соҳибларига эсдалик совғалари, маҳалла юмушларида ўзини кўрсатган фаолларга ёрлиқ ва мукофотлар топширилди. Кам таъминланган, ёлғиз, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб уларнинг кўнгилларига қувонч улашилди. 547-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари томонидан янграган шўх қўшиқлар, муқаддас Ватанимизни мадҳ этувчи шеърий сатрлар, рақслар маданий-маърифий тадбирга ўзгача кўтаринкилик, одамлар қалбига қувонч бағишлади.

Солиҳ ЁҚУБЖОНОВ

ЎЗАРО ФИКР ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Фарғона вилояти мусиқали драма театрининг пойтахтимизга ижодий сафари ташкил этилди. Унинг доирасида Ўзбек Миллий академик драма театрида Фарғона театри ижодкорларининг "Аҳмад Фарғоний" спектакли намойиш этилди.

"Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари Б.Усмонов, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ф.Маъсудов, Ўзбекистон халқ артистлари Ё.Аҳмедов, Р.Иброҳимова, адабиётшунос олим Ш.Ризаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда театр санъати равнақи учун кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ёш авлод маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан мамлакатимиз театр жамоаларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, ёш актёрлар маҳоратини ошириш мақсадида жамоаларнинг турли вилоятларга сафари, ҳамкорликда спектакль қўйишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарғона вилояти мусиқали драма театрида Сайдали Одилов асари асосида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, режиссёр Марат Азимов томонидан "Аҳмад Фарғоний" тарихий драмасининг саҳнага қўйилгани ана шу ижодий мулоқотнинг амалдаги ифодасидир.

– Жамоамиз истиқлолимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Аҳмад Фарғоний" спектаклини тайёрлагани театр мухлислари учун ўзига хос туҳфадир, – дейди Фарғона вилояти мусиқали драма театри директори Таваккал Султонов. – Ушбу спектакль улуғ бобокалонимиз, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган аллома Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилиши билан бирга томошабинларни, айниқса, ёшларни ватанпарварлик, юртга содиқлик, фидойилик руҳида камолга етказишда катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Спектаклни тайёрлашда адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев адабий маслаҳатчи сифатида кўмаклашди. Аҳмад Фарғоний ролини Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов ижро этмоқда. Либослар муаллифи – моҳир дизайнер Севара Зуннунова. Ролларни Кимсанбой Собиров, Адҳам Акромов, Шокир Муродов, Азиз Темиров, Комила Валиева ва бошқа актёрлар ижро этмоқда.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Савдога Яккасарой туман СИБ томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2016 йил 28 мартдаги 23-1504/487-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Игилик газ" Қорақалпоғистон-Россия ҚКга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 77-уй, 10-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 81,91 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич баҳоси – 309 578 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 77-уй, 46-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 150,44 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич баҳоси – 539 591 000 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 7 октябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 5 октябрь куни соат 18:00.

II. Савдога Суд департаменти томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралдаги ЖСҲ-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 62-уй манзилида жойлашган, бинонинг умумий майдони 836 кв.м. бўлган, уч қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисми, реестр рақами 7-279/2004, конструкция тури ғишт, каркасли "Маиший хизмат кўрсатиш" биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 594 014 000 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 10 октябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 7 октябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo`li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000000433601001, МФО: 01036. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

Спорт янгиликлари



Елкин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

Россияда 2018 йили бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралашининг учинчи босқичи, "А" гуруҳи баҳслари доирасидаги Ўзбекистон – Эрон учрашувини австралиялик ҳакамлар бригадаси бошқариб боради.

ҲАКАМЛИК АВСТРАЛИЯЛИК РЕФЕРИГА ТОПШИРИЛДИ

Ушбу ўйинни бошқариш учун бош ҳакам сифатида ФИФА томонидан Бенжамин Жон Уильямс тайинланган.

6 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтадиган ушбу ўйинда Уильямсга қанотларда ватандошлари Дэвид Уэлш ҳамда Натан Макдоналд ёрдам беради. Тўртинчи ҳакам австралиялик Жаред Жиллет, ҳакамлар назоратчиси сифатида Бирлашган Араб Амирликларидан Салим Саид Алсувайди тайинланган бўлса, учрашув комиссари — фаластинлик Жебрил Али.

Биласиз, Бенжамин Жон Уильямс кўп ҳолларда футболчиларимиз зарарига майдонда ҳуштак чалиши билан мухлислар ёдида қолган. 2015 йил Осиё кубогида Саудия Арабистонига қарши кечган муҳим беллашувда Виталий Денисов томонидан тўп учун курашда ўйин қоидаси бузилган деб тушунарсиз тарзда ўн бир метрлик нуқтани кўрсатган эди. Шунингдек, жорий мавсумда ҳам Осиё чемпионлар лигаси нимчорак босқич "Локомотив" – "Ал Ҳилол" ўйинида асоссиз пенальти белгилади. Мазкур ҳакамнинг бу сафар учрашувни имкон қадар адолатли бошқаришини кутиб қоламиз.

Ботир ХЎЖАЕВ

Россияда 2018 йили бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати саралашининг учинчи босқичи, "В" гуруҳи баҳслари доирасидаги Саудия Арабистони — Австралия учрашувини ўзбекистонлик ҳакамлар бригадаси бошқариб боради.

КУЧЛИ ЖАМОАЛАР БАҲСИ

Жидда шаҳрида 6 октябрь куни бўлиб ўтадиган турнинг марказий ўйинига бош ҳакам сифатида ФИФА рефериси — Равшан Эрматов тайинланган. Эрматовга бу ўйинни бошқаришда қанотларда Абдуҳамидулло Расулов ҳамда Жаҳонгир Саидов ёрдам беришади. Тўртинчи ҳакам сифатида эса Шерзод Қосимов ишлайди.

Учрашувда назоратчилик қилиш қатарлик Сафар Толиб Балланга топширилган бўлса, комиссар сифатида хитойлик Ту Хилианг ишлайди.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **31 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **31 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9029
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 855
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 17.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ